

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСІЙ ГАЗЕТАСИ

№ 234 (10.287)

2004 ЙИЛ 30 НОЯБРЬ

Сайлов — 2004



## САЙЛОВГА БАҒИШЛАНГАН КИТОБЛАР

Марказий сайлов комиссияси томонидан «Сайлов: Ўзбекистон Республикасида сайлов ҳуқуқи ва сайлов жараёни» (Б.Мустафоев, Ҳ.Авезов) қискача изоҳли лугати ўқувчилар ҳуқуқи хавола этилди. «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйида босмадан чиққан ушбу лугатда демократик сайлов жараёнида қўлланиладиган олтинчи яқин тушунчаларнинг изоҳи содда ва равион услубда баён қилинган.

Ўзбек ва рус тилидаги мазкур китобда, хусусан, «Имзо варақаси», «Мажоритар сайлов тизи-

мовые основы свободных демократических выборов» китобини ҳам уч тилда кўп минг нусхада

нашрдан чиқарди. Рисолада сайлов қонунчилигининг ҳуқуқий асослари, мамлакатимизда икки палатали парламентаризмга



сайловнинг ўзига хос жиҳатлари, унда сиёсий партияларнинг иштироки, сайловолди кампаниясини молиялаштириш тартиби, фуқароларнинг депутатликка номзод кўрсатишда иштироки, Сенат аъзолари сайловининг хусусиятлари ҳақида атрофлича сўз юритилади.

Лазиз РАҲМАТОВ, ЎЗА муҳбири

## ЯНГИ ПЛАКАТЛАР

Марказий сайлов комиссияси бўлажак сайловларнинг янада очик, ошкора ва мазмунли ўтишини таъминлаш мақсадида сайловчилар учун ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида бир неча ўлчамдаги рангли плакатларни чоп этди.

Кўп минг нусхада босмадан чиққан бундай кўргазмалар тарғибот материаллари округ ва участка сайлов комиссиялари биноларига, номзодларнинг сайловолди учрашувлари ўтадиган масканларига, жамоат транспорти, таълим муассасаларига, маҳалла гузарларига жойлаштириш учун мослаб тайёрланган.

ЎЗА

## ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҲАМ ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1 декабрь кунини эрталаб соат 10 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 1 декабрь кунини соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

## ҚИСКАЧА

- **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат жаҳон тиллари университетининг Халқаро журналистика факультетида талабалар, ўқитувчилар иштирокида бўлиб ўтган тадбир «Дўстлик — биродарлик» деб номланди.
- **БУГУН** Ўзбек Миллий академик драма театрида иқтидорли қизлар ўртасида ташкил этилган «Зулфия-хоним қизлари» кўриқ-танловининг адабиёт, санъат, маданият йўналиши бўйича Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди. Унда ушбу йўналишлар бўйича Республика босқичида қатнашувчи номзодлар аниқланди.
- **БУГУН** Хамза туманидаги 216-мактабда уюштирилган тадбир Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 12 йиллигига бағишланди.
- **БУГУН** «Бектемир» маҳалла гузарига маҳалла фаоллари ва ёшлар иштирокида

## ПОЙТАҲТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

- ҳуқуқий саводхонликни оширишга қаратилган семинар уюштирилди.
- **ЭРТАГА** Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг маданият саройида Бутунжаҳон СПИДга қарши кураш кунини муносабати билан уюштирилаётган тадбирда 2-Тошкент Давлат тиббиёт институти, Тошкент политехника коллежи талабалари иштирок этишади.
- **СЕРГЕЛИ** туманидаги 104-мактабда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши ташаббуси билан мактаблар сардорлари иштирокида ўтказилган ўқув семинари «Сардор қандай бўлиши керак?» деб номланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

## XXI сағоси

Барча мамлакатлардан олинган сўнги хабарлар

## Мамлакатимизда

- МДХ Ижроия қўмитаси раиси Владимир Рушайло Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев билан учрашди.
- Тошкент шаҳар педагогларни қайта тайёрлаш ва малякасини ошириш институтида Халқ Таълими вазирилик хамда Республика таълим маркази билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 12 йиллигига бағишланган семинар ташкил этилди.
- Термиз давлат университетида Сурхондарё вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди хамда Тошкент Давлат юридик институти билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунга бағишлаб учрашув ўтказилди.
- Зулфия номидаги Давлат мукофотининг Фарғона вилоят босқичида турли йўналишлар бўйича 30 нафар қиз ўз истеъдоди ва маҳоратини намойиш этди.
- Бухоро вилояти, Олот туманидаги Ганжичандир, Бўстон, Солоқорзул, Ёшбўтир қишлоқлари аҳолиси учун қарийб 13 қақирим масофага қувур тортилиб, тоза сув келтирилди.
- Фарғона вилоятида ўтган халқаро асал кўргазмасида мамлакатимиз вилоятлари, шунингдек, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Россиядан келган асаларчи ва мутахассис олимлар иштирок этди.

## Жаҳонда

- Ироқда 15 та сиёсий партиялар вакиллари 2005 йилнинг январь ойига белгиланган умумхалқ сайловларини ярим йилга кечиктиришни сўраб баёнот бердилар.
- Шимолий Осетия ва Қорачой Черкесия боғча болаларининг оммавий қасалланишининг сабаблари аниқланмоқда. Жумладан, ҳозирда Қорачой Черкесиядаги барча болалар боғчалари вақтинча ёпилган.
- Италия шимолида Рихтер шкаласи бўйича 5.2 балли зилзила қайд этилди.
- Хитойдаги шахталардан бирида йиғилиб қолган газнинг портлаши натижасида 187 нафар шахтёр ташқи дунёдан узилиб қолди. Ҳозирда шахтада кутқарувчилар ишламоқда.
- Австралияда ҳам ийрик чигирткалар галасининг ҳужуми рўй берди. Уларнинг хари бири ўз вази миқдоридан ўсимликларни еб битирмоқда.

Обуна — 2005

## «ОҚШОМ» ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ, ДИЛКАШ СУҲБАТДОШИНГИЗ

Азиз оқшомхон! Маълумки, шу кунларда мамлакатимизнинг барча алоқа бўлимларида сиз севиб мутолаа қиладиган «Тошкент оқшом» газетасига 2005 йил учун обуна қизгин давом этмоқда. Бунинг тахририятимизга муштарийларимиздан келиб турган обуна билан боғлиқ хат-хабарлардан ҳам билса бўлади. Зеро, матбуотнинг қадрига етган, уни ҳаётининг ажралмас қисми, мазмунли деб билган, республикамизда ҳамда жаҳонда рўй бераётган янгиликлардан мунтазам хабардор бўлиб боришни истаган инсон учун обуна масаласида ҳеч қандай баҳона сабаб бўла олмайди.

Албатта, қарс икки қўлдан чиқади. Қайсики нашр мазмундор ва қизиқарли мақолалар билан ўқувчиға манзур бўлса, унинг муштарийлари ҳам ўз-ўзидан ортиб боради. Мана шу ниятда барча газета ва журналлар қатори «Оқшом» тахририяти ҳам ўз ихлосмандларининг тақлиф

ва истақларидан келиб чиқиб келгуси йилда газетани янада ўқимишроқ қилиш мақсадида бир қатор режаларни белгилаб қўйди. 2005 йилдан бошлаб янги-янги рунлар остида рангбаранг мавзудаги мақолаларни ўз саҳифаларида ёритиб боради. Шундай экан, сизға ҳар доим энг яқин ҳамдам, ҳамфикр ва маслаҳатқўй бўлиб келган севаимли нашрингизга обуна бўлишга шошилган. Шундагина янги йилнинг биринчи кунидан бошлаб «Оқшом» хонадонингизга ўзи кириб боради. Бизнинг нашр кўрсаткичимиз — 563.

*Иқтисодий*

**ТУРЛИ ҲАЖМ ВА УСЛУБДА**

Кейинги йилларда ички бозоримизда хонадон, офис, идора, ўқув юртлири, меҳмонхоналарни замонавий, кўркам тарзда безайдиган, асосийси — сифатли мебеллар кўлайиб бормоқда.

«Shas-polan M» Узбекистон — Польша қўшма корхонаси жамоаси ҳам мана уқ йилдири ўқув юртлири, академик лицей ҳамда касб-хоналаридан ўрин олган кўплаб турдаги бир, икки кишилик столлар, стул, ёзув столларини тайёрлаб бермоқда. Шунингдек, махсус фанлар, лингафон, компьютер, амалиёт хоналари учун турли ҳажм ва услубдаги мебеллар туркумлари манзарали пластикани қўллаган ҳолда ишлаб чиқарилмоқда.

Мазкур қўшма корхонанинг 85 нафар ишчи-хизматчиларининг унумли саъй-ҳаракатлари ҳамда цехлардаги Германия давлатидан келтирилган замонавий дастгоҳ ва ускуналар шарофати билан барча буюртмалар сифатли ва ўз муддатларида бажарилишига эришилмоқда. Асосий эътибор сифатга қаратилаётганлиги эса корхона тадбиркорларининг замон билан ҳамнафасликларидан, эзгу мақсадлар йўлида тинмай ишлаётганликларидан яққол далолат беради.

**САЙЁҲЛАР ҲАМ МАФТУН**

Халқимизда «Йигит кишига етмиш хунар ҳам оз», «Хунар, хунардан унар» каби мақоллар бежиз айтилмаганлигига боз-боз амин бўламиз. Кўп асрлик тарихга эга бўлган хунармандчилик бўғунги кунимизда ҳам эъзода.

Мирзо Улуғбек туманида 2000 йилда иш бошлаган хунарманд Александр Шимольни ҳозирда бир-биридан бежирим, кўркам ёдгорлик буюмларини тайёрлаб, миҳозларни мамнун қилмоқда. Эътиборли томон, халқ хунармандчилиги маҳсулотлари ҳисобланган ушбу буюмлар ўзимизнинг ҳам ашёдан тайёрланиб, миллий руҳиятни ўзида муҳасамлаштирган.


Мазкур 30 турга яқин маҳсулотлар — миллий либослардаги одамчалар, лаган, ликобча, китобча, дарахт, жониворлардан иборат ёрқин рангларда безаланган ёдгорлик буюмлари асосан Сайилгоҳ кўчаси, «Узбекистон ҳаво йўллари» миллий авиокомпанияси, «Интерконтиненталь», «Шератон» — «Тошкент» меҳмонхоналарида сотилмоқда. Уларни хорижий сайёҳлар ҳам харид қилишмоқда.

Шунингдек, Шимольни жуда хариддор хисобланган магнитли ёдгорлик буюмларининг 20 хилга яқинини тайёрламоқда. Хунарманд уста доимо иланишда, у янги-янги маҳсулот турларини яратиш устидо меҳнат қилмоқда.

**Муҳаббат ҲАБИУЛЛАЕВА**

*Сайловлар олдидан*

**МАСЪУЛИЯТНИ ҲИС ЭТИБ**



Айни кунларда мамлакатимизда муҳим сиёсий жараён — Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловларга қизгин тайёргарлик кетмоқда. Ушбу жараённинг адолатли ва барча номзодларга тенг шароитлар яратилган ҳолда ўтиши жойлардаги сайлов участкалари комиссияларига жуда катта масъулият юклайди.

Сайловчилар бўлиб ўтадиган ушбу муҳим жараённинг мазмун-моҳияти, аввалги сайловлардан фарқли томонлари, икки палатали парламентнинг афзалликлари, мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партияларнинг сайловолди платформалари, депутатликка қўйилган номзодлар ҳақидаги ўзларини қизиқтирган барча саволларга сайлов участкаларига келиб жавоб оладилар ва айнан шу ерга келиб овоз берадилар.

Шуни ҳисобга олган ҳолда участка сайлов комиссиялари бу ишга жиддий ёндашиб зиммаларидаги вазифаларни катта масъулият билан адо этишга интилоқдалар.

Жумладан, Сергели туманидаги 301-сайлов участкасида бўлганимизда тайёргарлик ишлари яхши йўлга қўйилганлигининг гувоҳи бўлдик. Бино ва хоналарда барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Сайловга оид адабиётлар, ўқув

қўлланмалари, матуботда чоп этилган мақолалар, стенд ва плакатлар тайёрлаб қўйилган.

— Сайлов участкамиз 2069 нафар аҳолини бирлаштиради, — дейди биз билан суҳбатда 301-сайлов участкаси комиссияси раиси Дилшод Дадабоев. — Шу кунгача сайловчилар рўйхатини тайёрлаш, фуқароларнинг сайлов ҳақида етарли маълумот олишларига кўмаклашиш, учрашувлар, давра суҳбатларини ўтказиш каби ишларни амалга оширдик. Айни кунларда ҳудудимиздаги маҳаллалар, Сергели-2 даҳасидаги кўп қаватли уйлардаги хонадонларда бўлиб сайловчилар ташувириш ишларини олиб бораёмиз.

— Бўлажак сайловлар юзасидан учрашув ва суҳбатлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайпти, — дея суҳбатга қўшилди




**Шоира МУҲАМЕДОВА СУРАТДА:** Сергели туманидаги 301-сайлов участкаси фаолиятдан лавҳа.

**Ҳақимжон Солиҳов олган сурат.**

Мамлакатимиз Конституцияси давлатимиз суверенитетининг ёрқин тимсолидир. Унда мустақил Ўзбекистонимизнинг тараққиёт йўли ўзининг аниқ ифодасини топган.

*Тадбирлар*



**АСОСИЙ ҚОМУСИМИЗГА БАҒИШЛАНДИ**

Айни кунларда бутун республика-миз бўйлаб Бош қомусимиз қабул қилинганлигининг 12 йиллигига тайёргарлик кетмоқда. Олий ўқув юртлири, мактаб, коллеж ва маҳаллаларда Конституциямизга бағишланган учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Жумладан Ҳамза туман ҳокимлигида «Конституция — бизнинг қомусимиз» мавзусида бўлиб ўтган тадбир ҳам туман хотин-қизлар кўмитаси «Маҳалла» жамғармаси, ва туман «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлимлари ҳамкорлигида уюштирилди.

Туман миқёсида ўтказилган

ушбу тадбирда ҳудуддаги 50 та маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар комиссиялари раислари, диний-маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирок этишди.

Тадбирда маҳаллалардаги тинчлик-хотиржамлик, ободлик масалалари, Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловлар, тенглик, адолатлилик тамойили — Асосий Қонунимизнинг 12 йиллиги каби мавзуларда сўз олган туман Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси Озод Шоумаров, аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, Конституция-миз моддаларидаги янги ўзгаришлар ҳақида туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўми-

таси раиси Арзай Идрисова, туман ёшларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича ўтказилган «Сен қонунни биласанми?» мавзусидаги танлов ҳақида «Маънавият ва маърифат» маркази туман бўлими раҳбари Шахноза Одилхонваларнинг маърузалари, фикр-мулоҳазалари йиғилганлар томонидан илиқ қутиб олинди.

Шунингдек, тадбирда Асосий Қонунимизнинг халқнинг озолиги, хур фикрлигига йўйрилган моддалари, ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидаги асосий ҳужжат эканлиги ва ҳаётимиздаги тугган ўрни ҳақида қизикарли фикрлар билдирилди.

Сермазмун, қизикарли ўтган тадбир иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

**Шаҳризода МУҲСИМОВА**

**ЭКОЛОГИК ФЕСТИВАЛЬ**

Тошкент Давлат циркида «Мустақиллик, экология ва саломатлик» шиори остида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишланган экологик фестиваль бўлиб ўтди. Тадбир «Экосан» халқаро экология ва саломатлик ташкилоти ташаббуси билан Экология ва саломатлик кунларининг учинчи босқичи доирасида ўтказилди. Фестивалга республика давлат ва жамоат ташкилотлари, мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари, пойтахт аҳолиси ва меҳмонлари таклиф этилди. Уни «Экосан» ташкилоти раиси Ю.Шодиметов очди.

Тадбирда сўзга чиққанлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мамлакатимизда давлат сиёсатининг муҳим йўналишлардан бири эканини қайд этди. Атроф-муҳитга муносабат масалаларини тартибга солувчи қатор қонунлар ва экология аҳволини яхшилашга қаратилган дастурлар қабул қилинди. Уларни амалга ошириш учун эса бутун жамят жалб этилган. Шаҳар ва қишлоқлар меҳнат жамоалари, маҳаллалар аҳли, ёшлар иштирок этаётган Экология ва саломатлик кунлари бунга ёрқин мисол бўлди. Хусусан, Экология ва саломатлик кунларининг учинчи, кузги босқичида қишга тайёргарлик қуриш бўйича оммавий тадбирлар, ободонлаштириш, таъмирлаш ишлари ўтказилмоқда, дарахтлар экилмоқда. Умумреспублика экологик ҳашарда 6 миллиондан ортиқ хамюртимиз иштирок этди ва ҳашардан тушган маблағ Оролбўйи хотин-қизлари ва болаларини иқтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтирилди. Мутахассислар иштирокида экология мавзусига бағишлаб ўтқа-

зилаётган кўп сонли учрашувлар, семинар ва анжуманларда аҳоли фаол қатнашмоқда.

Фестиваль иштирокчилари табиат манзараларини тасвирловчи мўйқалам усталарининг «Рассом ва табиат» мавзусидаги асарлар кўргазмаси, Ўзбекистон халқ амалий санъати буюмининг ва бошқа мамлакатлар халқларининг ўзига хос этно-маданий ижодиёти экспозициясини томоша қилди. Бундан ташқари, кўргазманинг республикамизда фаолият юритаётган халқаро ташкилотлар ваколатхоналари фаолиятига бағишланган бўлимида атроф-муҳит муҳофазаси, барқарор ривожланишига эришиш, экологик таълим ва тарбия, аҳолининг репродуктив саломатлиги каби соҳаларда улар томонидан амалга оширилаётган лойиҳа ҳамда дастурлар тўғрисида ҳикоя қилувчи материаллар намойиш этилди.

Экологик фестиваль таниқли эстрада ва цирк артистлари иштирокидаги театрлаштирилган томоша билан яқунланди.

**ЎЗА**

**ҚУЁШ КОЛЛЕКТОРЛАРИ ИШГА ТУШГАЧ**

Тошкентда «Узкоммуналхизмат» агентлиги ташаббуси билан энергия манбаларидан оқилона фойдаланиш масалаларига оид семинар ўтказилди. Унда БМТ Тараққиёт дастурининг суръатиситишда қуёш қувватидан фойдаланувчи коллекторларни ишлаб чиқариш технологияларини тақдим этиш лойиҳаси муҳоҳама қилинди.

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, қуёшдан таралаётган нурнинг қувватидан халқ ҳўжалигининг турли тармоқларида фойдаланиш мумкин. Ёрулук энергиясидан фойдаланиш тажрибаси аллақачон Европа давлатларида яхши натижаларни кўрсатди. Мамлакатимизда қуёшли кунларнинг кўп бўлиши ушбу тажрибани минтақамизда қўллашда яхши самара беришини кўрсатади. Айниқса, коммунал тизимда қуёш қувватини иссиқлик энергиясига айлантириб берадиган коллекторлар билан жиҳозлашга эришилса, аҳолига етказиб бериладиган иссиқлик манбаларига кетадиган сарф-ҳаражат, нефт ва газ захираларининг тежаллишига, атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олишга эришилди. Бу борада Ўзбекистонда амалий ишларни рўёбга чиқариш мақсадида БМТ ТД дастури доирасида суни иситишда қуёш қувватидан фойдаланувчи коллекторларни ишлаб чиқариш жараёнлари бошланди.

Семинар иштирокчиларининг эътироф этишларича, юртимизда ишлаб чиқарилаётган қуёш коллекторлари фақат серқуёш кунларда эмас, балки об-ҳавонинг ноқулай келишида ҳам ишлайверади. Коллекторларнинг юзи 2,5 квадрат метр огирлиги 60 килограмм бўлиб, унинг томига ўрнатишда катта муаммо туғдирмайди. Ўзбекистон мутахассислари хорижда ишлаб чиқарилаётган янги технологияларни ўрганиш ва татбиқ этишга ҳам эътибор қаратишмоқда: Техногияларни коммунал хизмат соҳасига жорий этишга бағишланган анжуманда қуёш коллекторларининг аҳамияти, фойдаланиш усуллари ҳақида маълумот берилди. Мутахассислар қуёш коллекторларидан фойдаланишни йўлга қўйишга қаратилган концепция ишлаб чиқариш борасида фикр мулоҳазалар билдиришди.

**Инобат ЭГАМКУЛОВА,**

**«Туркистон-пресс»**

## Сакъят

НАВБАТДАГИ  
КУВНОҚ  
СПЕКТАКЛЬ

Кейинги йилларда Тошкент Давлат мусикали комедия оперетта театри қатор қизиқарли асарларни сахналаштирди. Томошабинлар томонидан яхши кутиб олинган спектакллар сони яқинда яна бир қувноқ постановка ҳисобига ортди.

«Холажон, мен уйланапман» деб номланган бу картина ҳам томошабинларни хушнуд этди. Янги сахна юзини кўрган мазкур постановка учун ёзилган мусикалар ҳам эътиборни ўзига тортади. Таниқли бастакор Алишер Икромов томонидан яратилган куй ва кўшиқлар спектаклнинг янада қизиқарли бўлишини таъминлаган.

Динара Миняева, Феруз Мақсудов, Ольга Нугаева каби истеъдодли актёрлар яратган образлар томошабинларга манзур бўлди.

ЖЎШҚИН  
ИЖОДИЙ  
ФАОЛИЯТ

Ўзбекистон немислар маданият марказида ҳозир бир неча ижодий гуруҳлар фаолият кўрсатмоқда «Югендштерн» деб номланган санъат студияси ҳам томошабинларга яхши танилиб қолди.

Ўзбекистон Давлат академик Катта опера ва балет театрининг режиссёри Андрей Слоним бадий раҳбарлигида студия қатор постановкаларни тайёрлади.

«Ун икки кеча», «Хўжа Насриддиннинг янги саргузашти» каби қувноқ спектакллар ҳам сахна юзини кўрди.

Марказ хузурида очилган «Илҳом» театр студияси ҳам муҳлисёлари янги-янги сахна асарлари билан хушнуд этиш мақсадида қатор режаларни белгилаб олди.

Гёте институти, Конрад Аденауэр жамғармаси ва бошқа немис жамоат ташкилотлари билан ижодий ҳамкорлик ҳам марказ фаолиятини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир.

Ақбар АЛИЕВ

## «Камолот»

САРДОР  
ҚАНДАЙ  
БЎЛИШИ  
КЕРАК?

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Сергели туман бўлими болалар ташкилоти ташаббуси билан туман мактаблари сардорларнинг семинари бўлиб ўтди.

Семинарда «Буни сен билишинг керак!» шиори остида «Камолот»нинг тарихий саналар тизими дастури ва низоми соҳа сардорларига таништирилди. Шунингдек, иштирокчилар «Сардор қандай бўлиши керак?» деган саволга барчага ўрнатилган намуналар сардорни ўз тасаввурларида яратиб, сўзлаб бердилар.

Ушбу семинарда мактаб соҳа сардорларининг оддий кундалик вазифаларидан тортиб, барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида атрофлича тушунтириб ўтилди. Семинар давомида сардорларнинг қобилиятини оширувчи турли хил интеллектуал ўйинлар ўтказилди.

Озода РАҲМАТОВА

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури амалда  
МАЛАКАНГИЗ ЕТАРЛИМИ?..

Пойтахтдаги касб-хунар коллежлари директорлари ҳафталик малака ошириш жараёнида нималарни ўрганди, энг муҳими замонавий педагогик технология асосларини ўзлаштиришнинг ёки олти кунлик семинар-тренинг номигагина ўтди? Қабилдаги саволларнинг тугилши табиий. Сабаби, «Таълимда бошқарув ва сифат назорати» мавзусидаги бу тадбир ўзига хослиги, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талабларининг муҳим жиҳатларини қамраб олганлиги билан ажралиб туради.

Яна бир эслайлик! Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг бош мақсади нимадан иборат? Ривожланиб бораётган жамиятимиз учун баркамол инсон ва етуқ мутахассислар тайёрлашга қаратилган! Мутахассис ўз ихтисослигини пухта эгаллаши, шубҳасиз касбий малакасини ошириб бориши шарт. Бу жараён бошқарув тизимига икки, уч ҳисса кўпроқ тааллуқли, албатта.

Мамаляктада таълим тизимининг бу соҳасига алоҳида эътибор берилмоқда ва бу йўналишдаги ишлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Таъкидлаш жоизки мутахассислар малакасини ошириш Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг асосий бўғини сифатида тан олинган. Шу боис ҳам Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги 2004 йил 20 июлдаги қарорига биноан Ўрта махсус касб-хунар таълими тизими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти ташкил этилиб, шу соҳа ходимлари билими, педагогик маҳоратини ошириш, энг муҳим замонавий илм-фан технологиясини ўзлаштиришга қаратилган тадбирлар фаол олиб боришмоқда.

Таъкидлаганимиздек, Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази дастлабки малака ошириш семинар-тренингини пойтахтлик касб-хунар коллежи раҳбарларини ўқитиш, таълим жараёнидаги бошқарув санъатини эгаллаш, касбга йўналтириш ва тайёрлаш ишларидан бошлади.

Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази бош мутахассиси А.Жалолов «Бошқарув таълим жараёни», Ўрта махсус касб-хунар таълими тизими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти проректорлари —

доцент Р.Рустамов «Таълимда сифат назорати» ва профессор Ш.Норимов «Касб-хунар таълими муассасалари раҳбарларининг малака талаблари», Марказ бош мутахассиси доцент О.Мусурмонов «Давлат таълими стандарти: истиқбол ва муаммолар» ва бошқа маъруза-суҳбатлар тингловчиларда яхши таассурот қолдирибгина қолмай, уларнинг ҳам фаол иштироки, ўз маҳорати ҳамда тажрибаларини умумлаштиришда қўл келди.

Семинар-тренинг ноанъанавий тусда олиб борилди. Директорларга бошқарув маҳоратини ўзлаштириш борасида замонавий талаблар қўйилган концепция ишланмасини тайёрлашда институтнинг тажрибали домлалари — профессор Н.Мамадалиев, доцент Г.Бердиев ва бошқалар масъул қилиб белгиланди. Ҳашаш соҳадаги раҳбарларнинг ўз гуруҳида бошқаришни ташкил этиш, компьютерда тестлар тайёрлаш (бошқарув масалалари бўйича), ДТС якуни, режа ишлаб чиқиш, савол-жавоблар ва ниҳоят якуний синовсуҳбат асосида имтиҳон тоштириш каби ишларни уюштириш ўз самарасини бермай қолмайди, албатта.

Яна бир ўзига хослиги шундаки, семинар-тренингни нафақат домла-профессорлар, марказнинг масъул ходимлари, балки коллеж директорлари ҳам олиб боришди. Улар ўз маърузалари билан қатнашдилар. Чунончи, Сергели молия-иқтисод касб-хунар коллежи директори ўринбосари Б.Раҳматов «Таълим муассасида ўқув машғулотлар журналининг юритилиши» ва Тошкент ҳуқуқшунослик касб-хунар коллежи директори, доцент М.Саттарова «Таълим муассасасининг ташқи алоқалари ва муносабатларининг ҳуқуқий асослари» мавзуларидаги маърузалари ниҳоятда қизиқарли бўлди.

— Малака ошириш биз учун шунчаки келиб-кейтиш бўлмаслиги керак. Чун-

ки касб малакаси оқсаётганини ва уни ўнглаб боришимиз лозимлигини ҳар биримиз ҳис қилишимиз лозим, — дейди Мухаррамхон Саттарова. — Миллий дастур талабларига қўра Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш мутахассисларнинг касб малакаси, билимларини янгилаш ҳамда чуқурлаштиришга қаратилган. Демак, ўзим гувоҳман, бу ерда малака ошириш ва қайта тайёрлаш давлат талабларига нечоғлик тўғри келиши аниқланди ҳамда бўшлиқларни қайси усуллар билан тўлдирish сирларини белгилаб олдик. Бизга Марказ ва институт раҳбарияти ниҳоятда катта ғамхўрлик кўрсатди.

Дарҳақиқат, раҳбарлар замон талабларидан асло ортда қолшлари мумкин эмас. Ва айна пайтда раҳбарми, ўқитувчиси ўз малакасини ошириш учун аниқ режа асосида ишлаши лозим. Шунда ҳафта ёки бир ойлик ўқиб малака ошириш ҳисобига олинади ва профессор-ўқитувчилар ҳам шу асосда маъруза матнлари, махсус курслар ташкил қиладилар. Илм-фан тараққиёти малака ошириш билан изма-из юрмоғи шарт. Шунда жамият ривожининг олдинги сафларида бўлишимиз, илгор технологияларни ўзлаштирган сайин янада илгарилаб боришимиз мумкин.

Мутахассисларимиз хоҳ раҳбарми, хоҳ ўқитувчиси ўз малакаларини нафақат белгиланган мuddатлар асосида оширишлари, балки доимий изланишда бўлишлари шартлигини ҳозирги тараққиёт яққол кўрсатадими. Акс ҳолда табиий савол тунглади: малакангиз етарлими, замон талабларидан орқада қолмадингизми, тараққиёт пиллапоялари, инсон камоли сизнинг қўлингизда, ахир! Бу саволга мутахассис кенг қўламли билими, иш сифати, муҳими малакасини ошира боргани билан жавоб беради.

Карим НОРМАТОВ,  
профессор.

## Фестиваллар

## КУЗНИ КУЙЛОВЧИ ҚАЛБЛАР

Мусиқа — инсон қалбидаги жамики гўзалликлардан яраладиган санъат тури десак, янглишмаймиз. Санъатнинг бу тури орқали биз рубоб, гижжак, тор, доира ва кўпжа бошқа мусиқий асбоблар жўрлигидаги мумтоз куйларни, наволарни тинглаймиз. Шу қаторда фарбликларда кўриб ўрганганимиз гитара жўрлигидаги мусикаларни яратиш бизда ҳам анъанага айланмоқда.

Фикримизга аниқлик киритадиган бўлсак, юртимизда Акбарали Очилов «Зухал» Ўзбек бард клубида мана неча йилдирки устозлик қилмоқда. Гитарада кўшиқ куйлаб, сўзларини ҳам ўзи тувзичи истеъдод эгалари бу

клубда фаолият олиб бормоқдалар. Шуниси қувонарлики, бу санъатга меҳр қўйган ёшлар сони тобора ортиб бормоқда. Шеър, мусиқа, овознинг жарангдорлиги гитарада куйлашнинг аҳамиятини оширгани ҳолда, ёш ижрочи ва хонандаларни саралаш ҳамда уларни рағбатлантириш имкониятини бермоқда. Ушбу «Зухал» клубининг сайёҳаракатлари натижасида яқинда «Олтин куз» фестивали ўтказилди.

Гитара жўрлигидаги 1-ўзбек муаллифлик бард кўшиқлари фестивалининг шаҳар саралаш босқичи ўтказилиб, унда 25 та ёш ижрочи ва хонандалар иштирок этдилар. «Олтин куз» фестивалининг яна

бир моҳияти шундаки, танлов иштирокчилари орасида турли ёшдаги бадий ҳаваскорлар ҳам бор эди. Қўшиқлар гитара жўрлигида, ўзбек тилида куйланиб, ҳайъат аъзолари томонидан баҳолаб берилди.

— Биз турли ёшдаги гитарада кўшиқ куйлашга меҳр қўйган ҳаваскорларнинг истеъдодларини одиллик билан баҳолаб бордик, — дейди ҳайъат аъзоси, бастакор Ойдин Абдуллаева. — Зеро, дилидаги дардини намойиш этишда гитара оҳанги, жўрлиги алоҳида ўрин тутди. Турли мавзуларда куйланган кўшиқлар орасида энг сараларини танладик, деб ўйлайман.

Дарҳақиқат, кўшиқлар орасида дўстлик, меҳр-оқибат, самимийлик, Ватан, куз мавзуларида куйланган мусикалар алоҳида баҳолаб, биринчи ўрин Шухрат Йўлдошев, иккинчи ўрин Мадина Содиковага насиб этди.

Юлдуз УСМОН

СУРАТДА: «Олтин куз» фестивалидан лавҳа.



## Хабарингиз борми?

«ЭКСПО-2005»ГА КАТТА  
ТАРАДУУ

«ЭКСПО-2005» халқаро кўргазма рамзий маънода «Табиатнинг саҳий инъом» деб номланадиган бўлди. Япониянинг Анчи шаҳрида очиладиган бу йрик экспозиция келгуси йилнинг 25 мартидан то 25-сентябргача давом этади.

Ўзбекистон ҳам бу халқаро тадбирда фаол иштирок этади. Кўргазма давомида республикамиз павильони ишлайди. Унда «Ўзбекистоннинг қўриқхона зоналари» Бебахо табиий бойликлар» каби экспозициялар намойиш қилинади. Илм-фанимиз ютуқлари эса Ўзбекистон фанлар академиясининг «Физика-кўёш», «Биолог» илмий ишлаб чиқариш марказлари мисолида кўрсатилади.

Томошабинлар «Ковунлар куни», «Узумлар куни», «Паловлар куни», «Ипаклар куни» сингари тадбирларнинг ҳам гувоҳи бўлишадди.

Ўзбек диёри бундай нуфузли халқаро тадбирларда биринчи бор қатнашганга йўқ, албатта. 1993-йилда Жанубий Кореяда ташкил этилган халқаро экспозицияда муваффақиятли иштироки учун мамлакатимиз кумуш медал соҳиби бўлган эди. Германиянинг Ганновер шаҳрида уюштирилган «ЭКСПО-2000» кўргазмасида ҳам юзими зёғур бўлди. Бу сафардаги «ЭКСПО-2005»нинг Ўзбекистон павильонида Ўзбек халқининг бой маданияти ва этнографик тарихига оид экспонатлар ҳам намойиш этилди.

Анвар ВАЛИЕВ



### ИЗЛАГАН ИМКОНИЯТ ТОПАДИ

Бозор муносабатлари шароитида меҳнат аҳлининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш ўзининг нечоғлик катта аҳамиятга эгалигини яққол намойиш этмоқда. Бозор талабларига жавоб берадиган сифатли, рақобатбардор, харидоригр маҳсулотларни ишлаб чиқариш орқали олинган даромад ҳисобига корхонани ижтимоий ривожлантиришга эришиш ҳамда ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялашга моддий жиҳатдан зарур шарт-шароит юзага келади. Бозор иқтисодиёти эса ишга тadbиркорлик билан ёндошишни талаб этади. Излаган имконият топади.

Хайрли мақсад йўлида меҳнат қилган аҳил жамоа ривожланади. «Совпластитал» қўшма корхонаси бугунги кунда барқарор ривожланиб келаётган, катта салоҳиятга эга корхоналардан бири бўлиб, сифатли, харидоригр маҳсулотлари билан мамлакатимиздагина эмас, хорижий давлатларда ҳам муносиб ҳурмат қозонаётганлиги қувонарлидир.

Корхона жамоасининг баракали меҳнати, ишга ижодий, сидҳидилдан ёндашуви натижасида маҳсулотларнинг турлари янада хилма-хил бўлиб, ҳозирги кунга келиб, саккиз мингдан ортиқ турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Маҳсулотлар жаҳон андозаларига жавоб бериб, халқаро кўргазмаларда кўплаб дипломлар ҳамда соҳибдорлар билан тақдирланган. Бундай муваффақиятларнинг негизиде меҳнат жамоасининг аҳиллиги, ўз ишчи пухта билиши, маъмурият билан

корхонада ишлаган ва ҳозирда кексалик гаптини сураётган пенсионерлар эътиборимизда бўлиб, улар маданий тадбирлар, байрам дастурхонларининг азиз меҳмонларидирлар. Корхонада 10 йилдан ортиқ ишлаган 104 нафар пенсионерлар пенсияларига қўшимча ҳақ оладилар. Пенсионерлар корхона тиббий-шоҳобчасининг хизматидан фойдаланадилар. Ҳар байрамда уларга корхона ишлаб чиқарган янги маҳсулот совға сифатида ҳадя қилинади.

Иқтисодий қийинчиликларга

моқда. Корхонада ишлаган ва ҳозирда кексалик гаптини сураётган пенсионерлар эътиборимизда бўлиб, улар маданий тадбирлар, байрам дастурхонларининг азиз меҳмонларидирлар. Корхонада 10 йилдан ортиқ ишлаган 104 нафар пенсионерлар пенсияларига қўшимча ҳақ оладилар. Пенсионерлар корхона тиббий-шоҳобчасининг хизматидан фойдаланадилар. Ҳар байрамда уларга корхона ишлаб чиқарган янги маҳсулот совға сифатида ҳадя қилинади.

Иқтисодий қийинчиликларга моқда. Корхонада ишлаган ва ҳозирда кексалик гаптини сураётган пенсионерлар эътиборимизда бўлиб, улар маданий тадбирлар, байрам дастурхонларининг азиз меҳмонларидирлар. Корхонада 10 йилдан ортиқ ишлаган 104 нафар пенсионерлар пенсияларига қўшимча ҳақ оладилар. Пенсионерлар корхона тиббий-шоҳобчасининг хизматидан фойдаланадилар. Ҳар байрамда уларга корхона ишлаб чиқарган янги маҳсулот совға сифатида ҳадя қилинади.

Иқтисодий қийинчиликларга



қарамасдан, корхона раҳбарияти имконият топиб, болалар боғчасининг ёпилишига йўл қўймади ва ушбу тарбия маскани тўлиқ фаолият кўрсатиб, корхона ишчи-хизматчилари фарзандлари учун сарфланмаган харажатнинг ариисини тўлайдилар. Авиллар хотиржам ҳолда ишлайдилар. Чунки, азиз болалар шинамгина тарбия масканида камол топмоқдалар. Ҳар йили ишчи-хизматчиларнинг фарзандлари ёғи дам олиш мавсумида имтиёзли ва кўп болали, кам таъминланган ишчиларнинг фарзандлари эса бепул йўлланма билан соғломлаштирилди. Бу йил эса 500 дона йўлланма оотиб олинди, ишчи-хизматчилар фарзандларининг ёғи мавсумида дам олиш ташкил этилди. Маданий тадбирларга корхона раҳбарияти томонидан катта аҳамият берилди. Чунки санъат, маданият инсонни эзгуликка, яхшиликка чорлайди, тарбия воситаси сифатида камол топтиради.

Хар йили ишчи-хизматчиларнинг фарзандлари байрам кунларини шахримиздаги театрларда сахна асарларидан баҳраманд бўлиб мароқли ўтказдилар, шунингдек, оилавий таширлар уюштирилди. Муборак Рамазон ойи арафасида Самарқанд шаҳридаги муқаддас масканлар, қадимжоларни, Имом Исмоил ал-Бухорий тарихий меъморий обидасини зиёрат қилиш ташкил этилиб, ишчи-хизматчилар бир олам таассурот билан сайру саёҳатдан қайтдилар.

Спорт — соғлиқ гарови, муҳим тарбия воситаси сифатида катта аҳамиятга эгадир. Ишчи-хизматчиларимиз ҳамда уларнинг оила аъзолари сузиш ҳавзаларига имтиёзли чипталар билан бориб, соғлиқларини мустаҳкамламоқдалар. Корхонанинг хаваскор спортчилари шаҳар, тармоқ, мамлакат миқёсидаги спартакиадаларда доимо катнашиб келмоқдалар. Футболчиларимиз — бизнинг фахри

миз бўлиб, бу йил тармоқ ходимлари касабга уюшмаси шаҳар кўмитаси томонидан ўтказилган спартакиадада биринчи ўринни эгалладилар.

Санъат, маданият, спорт кишиларни эзгуликка чорлайди, уларни бирлаштиради. Аҳил меҳнат жамоаси эса улкан ижодий отуқларни кўлга киритишга қодирдир. Инсонга наф келтириш фаолиятимизнинг бош мақсади бўлиб, бу хайрли иш йўлида куч-ғайратимизни аямаймиз.

**Мавжуда УМАРОВА,** «Совпластитал» қўшма корхонаси касабга уюшмаси кўмитасининг раиси. **СУРАТЛАРДА:** «Совпластитал» қўшма корхонасида ишлаб чиқариш харабидга техника хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилинади; корхонанинг харидоригр ва экспортроп маҳсулотларидан намуналар.

Ҳозирги пайтда «Сувмас» корхонаси очик акциядорлик жамияти 36 хил янги истикболли насослар чиқариб республикамиздаги насосларга бўлган талабларнинг аксариятини қондирмоқда. Буларнинг натижасида чет давлатлардан келтирилаётган насослар сони камайтирилиб кўп миқдорда давлат валютаси иқтисод қилинмоқда. 2004 йилнинг 9 ойида 2094 миллион сўмлик товар маҳсулоти ишлаб чиқарилиб, 180 миллион сўм соф фойда олинди. Корхонанинг рентабеллиги 11 фоизни ташкил этди.

Корхонадан олинаётган даромадларнинг катта қисми ишчи-ҳодимларга жамоа шартномасига асосан муқофот ва қўшимча имтиёзлар беришга сарфланмоқда. Ишчи турмуш қурганда, фарзанд кўрганда, янги уйга кўчаётганда, фарзанд биринчи синфга илк бор бораганда, яқин қариндошлари вафот этганда иш ҳақи сақланган ҳолда бир кундан уч кунгача дам бериш, ишчи-хизматчиларнинг меҳнат фойдалигига 20, 25, 30 йил тўлганда, 55 ёшга тўлган

аёлларга, 60 ёшни қаршилаган эркакларга қимматбаҳо совғалар тақдим этиш шулар

длари 2 ёшдай 3 ёшгача тўлгунга қадар бўлган 6 нафар оналарга 522 минг сўм

## ЖАМОА ШАРТНОМАСИ АСОСИДА

Меҳнат аҳлининг манфаатини ҳимоя қилиш касабга уюшмалари фаолиятининг бош мақсади, эзгу ниятидир. Бу хайрли ҳамда фойдали ишни амалга ошириш учун харидоригр сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш орқали корхонани иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан ривожлантириш, унинг моддий негизини мустаҳкамлаш даркор. Бозор муносабатлари ишга тadbиркорлик, пишиқ пухта сарҳисоб билан ёндошишни талаб этади. Аҳил, ишчи меҳнат уюшмасида иш баракали бўлиб, қарс икки қўлдан чиқарилади. Давр билан ҳамнафаслик муваффақият сари етаклайди.

жумласидандир. Булардан ташқари, 2004 йил — Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилиниши муносабати билан касабга уюшма кўмитаси маъмурият билан биргаликда ўзларининг тadbирларини тузатиб, у жамоа шартномасидан урин олгани ҳолда ҳаётга таътиқ этилмоқда. Хусусан, 90 нафар ходим-хизматчиларнинг меҳнат фойдалигига 20, 25, 30 йил тўлганда, 55 ёшга тўлган

нафақа пули тўланди, 44 нафар ишламайдиган пенсионерларга байрам саналарида 337 минг сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди. 10 нафар уруш қатнашчиларига 360 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди, кам таъминланган оилаларнинг 17 нафар фарзандларини ўқув куроллари ва дарсликлар билан таъминлаш учун 120 минг сўм харажат қилинди. Битта ёлғиз пенсионерга уйини

нафақа пули тўланди, 44 нафар ишламайдиган пенсионерларга байрам саналарида 337 минг сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди. 10 нафар уруш қатнашчиларига 360 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди, кам таъминланган оилаларнинг 17 нафар фарзандларини ўқув куроллари ва дарсликлар билан таъминлаш учун 120 минг сўм харажат қилинди. Битта ёлғиз пенсионерга уйини

таъмирлаш учун 75 минг сўм ёрдам пули берилди ва бошқа хайрли тadbирлар амалга оширилмоқда. Шу билан биргаликда оталиқдаги «Зилола» болалар боғчасига 375 минг сўм ва «Зилола» маҳалласига 1092 минг сўм моддий ёрдам кўрсатди.

«Сувмас» корхонасида ходимларни соғломлаштириш ва спорт тadbирларига жалб этишга катта эътибор берилмоқда. Корхонада мунтазам равишда волейбол, стол тенниси, шахмат ва шашка бўйича цехлараро мусобақалар ўтказилади, футбол жамоаси эса тизим касабга уюшмалари ташкил қиладиган мини-футбол бўйича мусобақаларда доим совринли ўринларни эгалламоқда.

Албатта юқориде айтиб ўтилган тadbирларни тўлақонли ўтказишга касабга уюшма кўмитасининг иш бевруччи билан биргаликда бир ёқадан бош чиқариб ишлашлари катта аҳамият касб этмоқда.

**Бизак СОДИҚОВ,** «Сувмас» корхонаси очик акциядорлик жамияти касабга уюшма кўмитасининг раиси

«Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компанияси корхоналарида ҳам ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий-ҳимоя қилинишига ва тармоқни ижтимоий жиҳатдан янада ривожлантирилишига катта эътибор берилмоқда. Компания корхоналарида «Меҳр ва мурувват йили» дастурини муваффақиятли бажариш юзасидан касабга уюшма фаоллари билан қатор семинар-мажлислар ўтказилди. Тармоқнинг барча корхоналарида қўшма тadbирлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Дастур бўйича 2004 йил жамоа шартномасига алоҳида бўлим сифатида киритилди.

Яхши дам — меҳнатга ҳамдам деб беҳиж айтилмаган. Ишнинг нузли бўлиши албатта ходимнинг саломатлиги, яхши кайфият билан меҳнат қилишига ҳам боғлиқдир. Шу хайрли мақсадда тармоқ меҳнат аҳлининг санаторий-курортларда давола-ниши учун 267 дона йўлланма ажратилди. Тизимнинг тиббий-санатория қисмида 2839 нафар ходим тиббий кўриқдан ўтказилди. Уларнинг 246 нафар пенсионерлардир. Стационар шароитида 641 нафар ходимнинг соғлиги текширилди ва даволанди.

Дам олиш масканларида 1968 нафар ишчи-хизматчи соғлигини мустаҳкамлади.

Болалар — бизнинг келажимиздир. Уюшманинг «Автомобилчи», Стрельцов номидаги, «Трамвайчи» болалар соғломлаштириш оромгоҳларида 3581 нафар болалар ҳордик чиқардилар. Ушбу оромгоҳларда тармоқ меҳнат аҳлининг фарзандлари билан биргаликда Қорақалпоқ халқининг болаларида 120 нафари, пойтахт ка-

саба уюшмалари болалар-ўсмирлар спорт мактабларидан тарбияланувчиларидан 170 нафари соғломлаштирилди.

Саховат кўрсатиш халқимиз эъзозлаган юксак миллий кадриятлардан биридир. Тармоқ корхоналаридаги ноғиронлар, уруш қатнашчилари, ёлғиз кексалар, кам

қадамжоларни зиёрат қилишларини уюштириш учун етти миллион олти юз минг сўм миқдорда маблағ сарфланди.

Спорт-соғлиқ гарови, соғлом турмуш воситаси сифатида муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирга қадар тармоқдаги корхоналар ўртасида етти спартакиада, мусобақалар ўтказилди. Спорт мусобақаларини ўтказиш, спорт молларини харид қилишга беш миллион 300 минг сўм миқдорда маблағ сарфланди. Ходимларни соғломлаштириш учун Митрофанов номидаги Сув спорти саройига беш миллион етти юз минг сўм миқдорда 1500 дона чипта сотиб олинди. Тармоқ меҳнат аҳлининг мароқли маданий дам олиш йўлида концерт дастурлари, театрлар, цирк томошалари учун олти миллион 100 минг сўмлик 2333 дона чипталар харид қилиниб, ишчи-хизматчиларга тарқатилди.

Хайрли иш кундалик фаолиятимизга кут-барака, муваффақият олиб келади. Меҳнат аҳлига хизмат қилишдек эзгу ният йўлида изчиллик билан ишлайверамиз.

Хикмат ЗИЁДУЛЛАЕВ, «Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компанияси иқтисод ва ижтимоий ривожлантириш бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари

Хикмат ЗИЁДУЛЛАЕВ, «Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компанияси иқтисод ва ижтимоий ривожлантириш бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари

Хикмат ЗИЁДУЛЛАЕВ, «Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компанияси иқтисод ва ижтимоий ривожлантириш бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари

Меҳнат аҳли ҳамда уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, спортнинг оммавийлигини ошириш ҳамда истеъдодли спортчиларни камол топтириш касабга уюшмалари фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди.

## СПОРТ — ЭЗГУЛИККА ЕТАКЛАЙДИ

Пойтахт касабга уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятида бу борада қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан Меҳр ва мурувват йилига бағишлаб ўтказилган III анъанавий кураш турнирида барча тармоқ касабга уюшмалари шаҳар ташкилотлари фаол иштирок этдилар. Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси кенгашининг соврини учун кураш бўйича республика миқёсидаги турнирда Тошкент шаҳар терма жамоаси биринчи ўринни эгаллаб соврин эгаси бўлди. Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан ўтказилган аёллар спартакиадаида эса пойтахт терма жамоаси энгил атлетика баҳсларида ғолиб чиқиб, биринчи ўринни, умумжамоа ҳисобида эса фахрли III ўринни эгалладилар.

Ватанимизнинг спорт шарафини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қилаётган вакилларимизнинг муваффақиятларидан беҳад қувонамиз ҳамда фахрланамиз. Афинадаги XXVIII ёғи олимпиада уйинларида юнон-рум кураши бўйича Александр Доктуровнинг Ватанимизга илк олтин медалини туҳфа этганлиги фахр-ифтихорга лойиқ бўлиб, юртимиз спортчиларининг юксак иқтидор эгалари эканлигини жаҳон аҳлига яна бир бор намойиш этди. Спорт гимнастикаси бўйича таниқли спортчи Ок-

сана Чусовитина мазкур олимпиада уйинларида тайёргарликнинг учинчи босқич мусобақаларида иккинчи ўринни эгаллади. Сузиш бўйича Данияда ўтказилган халқаро мусобақаларда Ольга Гнедовская фахрли иккинчи ўринга сазовор бўлди. Бокс бўйича ҳам вакилларимиз иккитдорли чарм кўлқоп усталари эканликларини намойиш этмоқдалар. Филиппинда бўлиб ўтган Осиё чемпионатиде Беҳжод Хидиров ва Қуролли Кучларнинг жаҳон биринчилигида Жасур Матчонов фахрли учинчи ўринларни эгалладилар.

Полволаримиз ҳам нималарга қодир эканликларини амалда исботламоқдалар. Юнон-рум кураши бўйича Осиё чемпионатида Дилшод Орипов, Алексей Чеглаков учинчи ўринни ўз вазн тоифалари бўйича эгалладилар. Шунингдек, Германияда бўлиб ўтган «Гран-При» халқаро турнирида Дилшод Орипов—иккинчи, Баҳодир Қурбанов—учинчи ўринларга сазовор бўлдилар.

Спорт—тинчлик элчиси, тарбиянинг муҳим воситаси сифатида барчани эзгуликка чорлайди. Бу хайрли иш йўлида куч-ғайратимиз, меҳнатимизни асло аямаймиз. **Санджамол ЯХЎЕВ,** Тошкент шаҳар касабга уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятини кенгашининг раиси

# ИЖТИМОИЙ ХИММОЯ

Меҳр ва мурувват йили бўйича белги-ланган тadbирлар муҳим юридик ҳужжат — жамоа шартномасига алоҳида бўлим сифатида киритилди. Ишчи-хизматчиларнинг саломатлиги ҳамда уларнинг оила аъзолари сузиш ҳавзаларига имтиёзли чипталар билан бориб, соғлиқларини мустаҳкамламоқдалар. Корхонанинг хаваскор спортчилари шаҳар, тармоқ, мамлакат миқёсидаги спартакиадаларда доимо катнашиб келмоқдалар. Футболчиларимиз — бизнинг фахри

тўлганликлари муносабати билан 22 нафар ходим бир миллион 230 минг сўмдан ортиқ миқдорда моддий жиҳатдан рағбатлантирилди. Корхонанинг фахрийлари, ишчи-хизматчиларидан 24 нафарининг Самарқанд, Бухоро шаҳарларидаги тарихий обидалардан баҳраманд бўлиш, муқаддас даргоҳларни зиёрат қилишлари учун бепул автобус ажратилди.

Спорт — корхона ҳаётида муҳим аҳамият

тиб олиш йўли билан уни ривожлантиришга қаратилган тadbирларни амалга оширмоқда. Яқинда корхона акциядорларининг навбатдан ташқари умумий мажлиси ўтказилиб, «2-автокомбинат» очик акциядорлик жамияти «Интер-Транс-Сервис» қўшма корхонасига айлантирилди. Хорижий шерик корхонага илгари раҳбарлик қилган бошқарув кенгашига ишонч билдириб, бошқарув раҳбарларини ўз ўринларида қолдирди ва шу давра-ча корхонада амалга оширилган, ишчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган, ижтимоий соҳада бажарилиши керак бўлган, жамоа шартномасига киритилган барча тadbирларни ҳамда имтиёзларни сақлаб қолиш тарафдори эканлигини амалда исботламоқда. Хорижлик сармо-ядорнинг тақлифига кўра корхонанинг маъмурий-ҳўжалик бўлимида ишлайдиган оддий ишчи-ҳодимларнинг ойлик маошлари кўриб чиқилиб, 43 кишига ҳар ойда уларнинг иш ҳақига қўшимча тарзда республикада ўрнатилган энг кам ойлик маош миқдоридеги қўшимча ҳақ тўлана бошланди. Шунингдек, корхонада ишлайдиган кам таъминланган 71 нафар ишчига гўшт маҳсулотлари бепул тарқатилди. Муҳими, берилган моддий ёрдамнинг, тарқатилган озиқ-овқат маҳсулотининг миқдоридеги эътибор, инсонга кўрсатилаётган эътиборда, меҳрда десак муболаға бўлмайди.

Баҳоли-қудрат кўрсатилган ғамхўрлик, инсоннинг кўнглини кўтариш меҳнат жамоасини янада ҳамжихат бўлиб баракали ишлашга чорлайди. Меҳнат аҳлининг мушкулени осон қилишга интилиши, уларга хизмат қилиш эзгу ниятимиздир.

**Фарход НИҒМОНОВ,** «2-автокомбинат» очик акциядорлик жамияти касабга уюшма кўмитасининг раиси.

## МУҲИМИ — ИНСОНГА МЕҲР ВА ЭЪТИБОР

Меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш касабга уюшмалари фаолиятининг устивор йўналишларидан бўлиб, «2-Автокомбинат» очик акциядорлик жамиятида бу борада қатор ишлар амалга оширилмоқда.

касб этади. Ишчи-хизматчиларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, уларни спортга жалб этиш мақсадида 25 нафар кишига Митрофанов номидаги сув спорти саройига чипталар берилди. Ишчи-хизматчиларнинг корхона ҳудудида спорт билан шуғулланишлари учун шароит яратилди. Жумладан, 27 нафар кишининг спорт теннис, 14 нафар кишининг катта теннис билан шуғулланишлари учун 250 минг сўм миқдорда маблағ ажратилди.

Бозор муносабатлари ишбилармонлик билан ёндошишни талаб этади. «2-автокомбинат» очик акциядорлик жамияти акцияларининг давлатга тегишли бўлган қисмининг хорижий сармоядор — Буюк Британиянинг «Интершеувс Лимитед» компанияси сотиб олиб, корхонага 250 минг АҚШ доллари миқдорда сармоа киритиш мажбуриятини олди. Бу мажбурият бўйича мазкур хорижий компания корхонани замон талабларига мувофиқ кайта таъмирлаш, янги автоомбиллар со-

Шарқ дурдоналари

**ОЗ ОЗ УРАНИШ**  
ДОМО БУЛАДИ...

• Ховлиқиш, шошилиш — пушаймонликнинг сингиси. Шошма-шошарлик пушаймонликдан ажралмайди. Шошилиш бўлган ерда надомат ҳам бўлади. Шошма-шошар бўлмасан, муродинг осонлик билан ҳосил бўлади.

• Улфат ва муҳаббатнинг шарты тақаллуфсиз бўлишидир. • Нодоннинг дўстлиги кулфат ва машаққатдан ўзга нарса ҳосил этмайди.

• Ўз мартаба ва даражасини билмаган, ўзини ҳаммадан юқори тутган киши — эътибор ва илтифотдан соқитдир. Ҳеч ким уни кўзга илмайди.

• Оқиқ ва мулойимлик билан сўзлаш қаҳр-ғазабни кишининг ғазаб ўтига сув каби таъсир қилади, яъни сув ўтти ўчирган каби мулойим сўзлаш ҳам ғазабни кишининг аччиғини пасаитириб, кўнглини юмшатади.

Байт:  
**Ҳамма одамга сен яхши қилиқ қил, Тилингни хуш, чиройини илиқ қил.**

• Қаҳр-ғазабни енгган киши келгуси истироҳатини таъмин этади.

• Шайх Саъдий айтади: — Йигитлик ёшимда зўр кучкуватга эга одам, ўзимдан кичик ва кучсизларнинг қўлларини қайириб, дилларига озор берардим, ҳамма мендан безган эди. Ниҳоят бир кун ўзимдан қувватли кишининг мултини едим. Шундан кейин ҳеч кимга зўравонлик қилмадим. Эй ўғил, кучим бор деб зўравонлик қилма, ҳеч кимга жабру жафо айлама. Агар зўравонлигини давом эттирсанг бир кун зўравонлиқнинг қандай кўнглисиз натижани берганини кўрасан.

Байт:  
**Чоҳ қазиса бировга биров эй ёр, Унга ўзи йқилур деган масал бор.**

• Арасту ҳақим айтади: — Маишатга қифоза этарлик давлатга эга бўлган киши ундан ортқачани талаб қилмасин, беш қўлини озгига тиккан киши бениҳоят қайғу-аламларга гирфитор бўлади.

• Машҳур олимлардан Жамоллиддин Муҳаммад айтади: — Бир бой киши хизматкорига ўзининг зийнатли асбоблар, насл-насабини сўзлаб, улар билан мактанди. Бойнинг сўзларини хизматчиси рад қилиб, шундай жавоб берди: — Сиз чиройли қимматбаҳо кийимлар кийиб, ўзингизга зеб бергансиз, у зийнат сизда эмас кийимлардадир. Минган отингиз билан мактансангиз зийнат, комиллик сўзга эмас отингиздадир. Ота-боболарингиз фазилатлари билан ифтихор қилсангиз, у фазилатнинг эгалари — улардир, сиз эмассиз. Агар фазилатларнинг эгалари ўз ҳақларини қайтариб олсалар, сизга ҳеч нима қолмади. У фазилат сизга ўтмагани сабабли қайтариб олишнинг ҳождати ҳам йўқ. Бошқаларнинг зийнатлари билан зийнатлана олмайсиз. Хулқ-атворингизни тузатинг, фазилатли бўлинг. Мана бу ўз зийнатларингиз бўлади. У вақтда ўз зийнатингиз билан ифтихор этишга ҳақли бўласиз.

Байт:  
**Кутма дардинга даво, пасткаш, курумсоқ қимсадан, Ким чиён ниши билан олғай оёқлардан тикан?**



**ҚўШНИЧИЛИК — МИНГ ЙИЛЧИЛИК**

**Одами эрсанг демагит одами, Онким йўқ ҳалқ гаமிдин гами.**

— Ховли олма, кўшни ол, деганлари рост экан, — дейди Хусниддин деган дўстим. — Уғлимга домни ташлаб, маҳаллага чиқдим. Ажойиб қўшниларим бор. Ҳар кун тўрт томондан тўрт коса овқат чиқади. Биз ҳам уларга улашадиган бўлдик. Қовун — қовундан ранг олади деганлари шу-да! Яқинда тобим кочиб, касалхонага тушдим. Ен қўшниларим навбати билан хабар олиб туришди. Тўғриси, қўшниларим қариндошларимдан ҳам яхши. Қариганимда Худо мени сийлади. Шифо толиб, уйга қайтдим. Шу кун ховлимиз тўйхонага айланб кетди, бутун маҳалланинг казо-қазолари келишиб, соғайиб чиққанлигим билан табриқлашди. Отанг — маҳалла, онанг — маҳалла дегани шу экан. Янги жойга кўчиб келиб, қўйтадан туялгандай бўлдим.

Ҳа, одам бу дунёда устун бўлиб қолмайди. Лекин ҳақиқий чин маънодаги инсон бўлиб қолиши керак. Юз йил яшаб, ақали зигирдек бўлсада яхшилик қилмай ўтса, буни самарасиз ўтган ур дейдилар. Самарга ўзи нима? Ўзидан мерос бўлиб қолмадиган эзгу, яхши, саодатли, бошқаларга нафи, манфаати тегадиган фойдали ишдир. Бу аввало бола-чақа, оилавий тарбия, бу — мевали дарахт — шоғирдлар этиштириш, бу — ўзидан кейин қолладиган ажойиб ва дурдона асарлар, бу — боғлар, иморатлар, кўприклар, ҳовуз ва каналлар, бу — кўни-қўшничилик алоқаларидир.

«Қўшнинг тинч — сен тинч» деб бежизга айтишмаган. Ҳа, қўшничилик алоқаларини ўрнатиб ҳам яхши меросдир. «Хикматнома»да таъкидланишича: «Агар қўшнинг бемор бўлса, ундан хабар олгин. Унинг гамили ва шодли кунлариде ёнида бўлгин. Ҳар қандай хизмати бўлса, имкон қадар ёрдам кўрсат. Қўшнинг шодлиги, сенинг шодлигинг, сенинг шодлигинг уники бўлсин. Қўшнинг вафот этса, уни дафн этишга ёрдамлашгин!», дейилган.

— Кўп қаватли уйнинг бешинчи қаватида тураман, — дейди Кутбиддин ота деган бир оқсоқол. — Жуда қийналиб қолдик. Авваллари биринчи қаватда Эрмат деган тошқувузлиқ йигит турарди. Унинг хотини Робияхон ҳам жуда ажойиб аёл эди. Улар билан борди-келдимиз яхши эди. Эрматхон диссертация ҳимоя қилган Хоразмга ишга кетди. Шу қўшнимиз уйини бир мансабдор йигит сотиб олган экан. Шундан буён тинчлигимиз бўзилди. Авваллари эшик ва деразаларни очиб қўйиб, магнитфон қўядиган бўлди. Айтиб, танбех бериб, бу балодан қутулган эдик. Бирдан орқадаги ерни сўрамасдан ўзиники қилиб олди. Бу ерга озмунча меҳнатларим синмаган эди. Энди эса хар шарнба-бозор кунлари қаердаги одамларни тўплаб, ярим кечагача, ҳатто баъзан тонг отгунча базму жамшид қилади. Бутун қўшнилар унинг бу қилмишидан додлайдиган бўлди. Маҳалла-куй аралашиб, бу машааша биров босилгандай бўлганди. Мана уч йилдирки, совуқ сувни резина ичакда бу жойга оқизиб қўяди. Юқори қаватларга эса сув чиқмайдиган бўлиб қолди. Овқат пишириш, ювинишга, ҳатто чой қайнатишга сув бўлмай қолади. Гапирсанг «хўп» дейди, лекин яна ўз билганини қилади.

Одамлики йўқотган бу қўшнинг хизмат вазифаси аслида яхшилик қилишдан иборат бўлиши керак-ку?!.. Энг ачинарли томони, унинг хотини мактабда ҳуқуқий фандан дарс ўтади, тарбиячи. Қўрдингизми, бу кишиларнинг ҳар иккаласи ҳам тарбиячи, бироқ қўшниларига азоб бериши, қийнашини қандай баҳолаш мумкин, — дейди Кутбиддин ота.

Бундай одамлигини йўқотиб, кўни-қўшнисига паст назар билан қарашлик, уларни менсимай қўйишлиги, аслида мансабига берилиб кетишдадир. Улар ўз амалини суиистеъмол қиладилар. Бундайларни яхши қўшни деб бўладими? Йўқ, албатта.

*Маънавий сабоқлари*

Мухтарам ва азиз «Оқшом»хонлар! Олим ва таниқли журналист Абдуҳамид Ҳабибуллаевни кўпчилигингиз яхши биласиз. У киши «Тошкент оқшоми»нинг илк сонларидан бошлаб фаол қатнашиб келади. Унинг «Хикматнома», «Насихатнома», «одоб ва ахлоққа оид тарбиявий мавзудаги панд-насихатлари», «Инсон — ҳаёт гултожи» туркум сўхбатлари, айниқса табиат экологиясига боғлиқ ранг баранг мақолаларини ўқигансиз.

Абдуҳамид Ҳабибуллаев кейинги йилларда маънавий-маърифий мавзуда туркум мақолалар ёзган. Ушбу мақолаларни «Оқшом» саҳифаларида эълон қилишни лозим топдик.

Яқинда Абдуҳамид ака олтими ёшни қаршиладилар. Биз у кишига соғлиқ, ижодий муваффақиятлар тилаб қоламиз. «Маънавий сабоқлари» туркумидаги мақолаларини эса бугундан эътиборан сизларнинг ҳукмингизга ҳавола қиламиз. Фикр-мулоҳазаларингизни газетамизга ёзиб юборасиз деган умиддамыз.

Азизлар, ҳар биримиз муқаррам ва азиз қилиб берилган Инсон деган улуг номга доғ туширмайлик. Яхши ишларимиз орқали савоб олиб, элу юртнинг ҳурматиға сазовор бўлиб юрайлик. Бу борада қўшничилик ҳаққини унутмайлик. Қўшнингиз сизнинг энг яқин одамларингиздир. Узоқдаги куйруқдан кўра, яқиндаги ўлжа яхши. Қўшнилар инсон ахл яшашлиқнинг савоби ҳам катта бўлади. Буни ҳар дам ёдда тутмоқ ва ҳаётда унга амал қилиб яшагга одатланилик, деймиз.

**ОҚЛИК — ПОКЛИК**

Туз қандай пайдо бўлган, уни билмаймиз. Лекин, тузсиз деган гапнинг маъносини биласиз. Гапида маъноси бўлмаган мижғов, бефойда гаплари кўп бўлган кишиларни тузсиз деб аташади. Бундай одамларни беъмани ҳам дейдилар.

Одамзод, башар тимсолига эга бўлибдики, тузга ҳурмат билан қарайди. Тузни одамлилик маъноси ҳисоблашади. Ана шу одам тузли, яна ана шу одам тузсиз дейишигга шу гаплар асосдир. Лекин орамизда яна бир гап: «тузлигингга тупурган, бу — номард одам» деган муқаддас тушушча ҳам бор.

Бир академик дўстим бор. У киши илм йўлида кўп заҳмат чекиб, хўп ва кўп халқ бахту саодати йўлида ажойиб тадқиқотларни ҳал этган инсон. Элу юрт у кишини шу жиҳатдан ҳам жуда ҳурмат қилади. У зоти бо баракот билан кўп сўхбатлар қилганман. У киши Жўрақул деган шоғирдини доим мактаб юрадидим. Ҳатто, ахли-аёли билан меҳнат таътилга кетганларида ховлисини шу шоғирдига ишониб кетар эканлар. Шоғирд ҳам устоз бўлиб, бир неча номзодларга раҳбарлик қилибди. Халқ орасида: «Устоз — отангдек улуг» деган ибора ҳам бор.

Ҳазрат Навоий таъбирларича, яхшилик йўлида бир харф ўргатган устознинг ҳаққи мингта ганждан ҳам улугдир. Устоз ҳақида жуда кўп ибратли гаплар, ривоятю ҳикоялар мавжуд. Шу жиҳатдан ҳам устознинг нишонини отага тенг дейишганлар.

Бир кун яна академик дўстим билан учрашиб қолдим. Анча кайфияти паст, руҳини синик эди. Гап орасида шоғирди Жўрақулдан нолиб қолдилар. «Номард тузлигимга тупурди. Синамаган эканман, у тўфайли иснодга қолдим. Набирам Камолахонга шилқимлик қилибди. Хомиладор бўлиб қолди. Ё тавба, одам ҳам шунчалик пасткаш бўладими?!», деб қолди у.

— Уйланмаганимиди?  
— Уйланган. Яқинда қизини ҳам турмушга берган эди.

— Балким набарангиз...  
— Йўқ, йўқ! У хали талаба. Биз уйда уни ёлғиз қолдирган эдик. Аввалгидек Жўрақулга ишонгандик. У ҳам: «Домла, ўзим хабар олиб тураман» деганди. Бир кун уйга кайф устиде келибди. Набирам уни илқ кутиб олибди. Номард хирсга берилиб, уни мажбурлаб қўйибди.

— Ёмон иш бўлибди-да! Бу сирни ким фош қилди?  
— Камолахон кўрқиб ошқор этмаган. Лекин, вужуднинг ўзи фош қилибди.

— Энди нима қилмоқчисиз?  
— Балолар ёмғирнинг остида қолдим. Маломат нималигини ўзингиз биласиз-ку?!

— Биламан! Лекин чора ҳам излаш керак-ку?  
— Жўрақулни чақирдим. Бўлган воқеани айтдим. Аввал тан олмади. Набирам билан юзлаштирганимизда бўйнига олди. Иккинчи хотин қилиб олишга рози эмиш.

— Сиз нима дедингиз?  
— Набирам ҳам, оила аъзоларимиз ҳам қарши туришди.

— Энди нима қилмоқчисизлар?  
— Воёга етмаган қизнинг номусини поймол этгани учун қонун олдида жавоб берса дейманку, лекин обрў-эътиборимга иснод бўлади-да?!

— Жуда ҳам сизга қийин бўлибди. Бу муаммони ечиш душвор. Тузингиз, устозлик ҳаққи уни тинч қўймайди, албатта уради. Бу уни Худо ургани бўлади, — дедим.

Турмуш тарзимиз, ҳаёт кечиримиз бир хилда кечмайди. Қилмиш-қидирмиш, ҳар ким ҳам бу дунёда эканини ўради. Лекин. Ҳа, шу «лекин»-да гап кўп. Кимдир қилади ва кимдир жафосини ва жабрини тортадир. Одатда, нафсага, хирсга, тобе бўлганлар, шайтони лойиқ йўлга кириб олиб, кўп лавнатга лойиқ ишларни қилишади. Оқибатда бундайлар дўзахнинг тўридан ўзларига жой олишга эришадилар. Шу ўринда тузга алоқадор бўлган бир ривоятни тилга олиб ўтишни лозим топдик. Ахир, тарбиянинг катта-кичиги бўлмайди. Савоб орттирсак, Худо алқанган бандаларидан бўламыз, холос.

Қадим ўтган замонда бир одил шох ўтган экан. У халқи йўлида қилган ишлари тўғриси ҳам етти иқлимга машҳур бўлган, мамлакатиде одиллик сифатини юритиш орқали юртни обод ва халқни маъмур қилган, раъиётнинг ҳурматини қозонган экан. Шунга яраша хазинаси ҳам кўп бўлган. Шу улуг шохнинг хазинасига бир кун ўғри тушибди. Ҳамма бойлиқлар қоп ва хуржунларга жойланибди. Лекин ҳеч нарса ўғирлаб кетилмабди.

Бу ҳолдан шох ва унинг вазирали ташвишга тушиб қолишибди: «Шунча кун лаҳм қавлаб, азобу уқубатлар чекиб хазинага келсаю, ҳеч бойлик олиб кетмасе? Бунинг сирни нимада?» Кўп ўйлашибди, лекин ечимини топиша олмабди.

Шох мамлакат узра фармони олий эълон қилдирибди. Унда: «Ким ўғрилик қилган бўлса, унинг гуноҳидан ўтман. Фақат, ҳеч нарса олиб кетмаганининг сабабини айтса бас», дебди.

Уч кун ўтиб, шох зурига қўриниши ажойиб, хушсурат бир йигит келибди ва ўғриликка қўл урганини айтибди. Нега ҳеч нарса олиб кетмаганини ундан сўрашганда:

— Сабабларини айтаман. Аввало бу гуноҳкор қулнингизнинг бир қошиқ қонидан кечинг, — дебди у.

— Кечмаганимда, ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам топтириб, бошингни танангдан жудо қилган бўлардим. Энди ўлмайман. Тезроқ сабабини айт, — дебди шох.

— Олампаноҳ, муҳтожлик шу ишга мени мажбур этди. Қасбим ўғрилик қилиш эмас. Мен ҳам аслзода савдогарларданман. Бор бисотимини қароқчиларга олдириб, камбағал бўлиб қолдим. Мусофирга мусулмон боқмас, деганларидея юртингизда бошқа қасбим йўқлиги тўфайли хор-зор бўлиб қолганман. Ахийри, хазинангизга ўғриликка тушишга жазм қилдим. Кўп машаққатлар билан лаҳм қазиб, хазинага йўл очдим. Бойликларингизни идишларга жойладим. Бир вақт ерда оқ нарсасга қўзим тушди. Бу нима экан деб хидладим, сўнг ялаб қўрдим. Оқ нарса туз экан. Бирдан қилбоғоҳим — отажонимнинг менга айтган насихати ёдимга келди: «Туз ичган уйингга хиёнат қилма, адои хароб бўласан», дегандилар. Тузинг уволидан кўрқиб, ҳеч нарса олмасдан қичиб кетдим, — дейди у.

Шох бир зум сукут тутибди ва сўнгра дебди:

— Эй, ахли салтанат, эй, вазиру но-зирларим! Эшитингиз, шу йигит бир ялам тузим учун Худодан кўрқиб, менга содиқлик қилибди.

Биласизларки, менинг ёлғиз қизим борлигини, унга лойиқ кўёв излаб юргандим. Менга шу йигит кўёв бўлади. Унга қизимни бераман. У тахтим вориси бўлади. Шохлик йилларимда тузимни еб, тузлигимга тупурган, қанчалаб хиёнат қилганларни кўп қўрдим. Шу йигитчалик менга вафодорлик қилмадилар бу тузимни эса оқламадилар. Туз берганин хурмат қилгани, қиёмат кунни Худо ҳам қадрлайди, — дебди.

Азизлар! Тузинг баҳоси бўлмайди. Азалдан ота-онани, устозларни, фарзанд ва шоғирдларни ҳам меҳри, ҳам берган тузи учун хурмат қилганлар. Илоҳо, тузликка тупуришқилдан ўзинг сақлагин! Бу тарбияга эътиборли бўлайлик!

**Абдуҳамид ҲАБИБУЛЛАЕВ,**  
доцент.

**Шарҳовчи***миқбари***ЕИ: ЯГОНА  
ВАЛЮТА  
БОРАСИДАГИ  
БАҲСЛАР**

Италия пойтахти Римда Европа Иттифоқи (ЕИ) мамлакатлари раҳбарлари ягона конституция тўғрисидаги шартнома имзолади. 2009 йил кучга кириши режалаштирилган бу кўнунлар мажмуаси 25 мамлакатда тасдиқдан ўтиши керак.

Иттифонинг янги аъзоси — Литва биринчи бўлиб конституцияни ратификация қилди. Парламентдаги 141 депутатдан 84 нафари уни маъқуллаган.

Президент Валдас Адамкус бу ҳақда фикр билдирар экан, конституциянинг тасдиқланиши сўнгги тўрт йил давомида ЕИ ва НАТОга қўшилиш борасидаги барча савий-ҳаракатларнинг манқийи яқини бўлганини таъкидлади.

Айрим мамлакатларда ушбу масала юзасидан референдум ўтказилади. Масалан, келаси йил ЕИга аъзо ўн давлатда, 2006 йил Эса, Бельгия, Дания, Ирландия, Люксембург, Мальта ва Чехияда шундай таъбир уштурулади.

Сир эмас, ягона конституция масаласи узок вақт кизгин баҳс ва мунозараларга сабаб бўлди. Келишувга биноан, қабул қилинган конституция бирор мамлакатда маъқулланмаса, барча ҳужжатлар яна қайта кўриб чиқилади.

Ягона конституция борасида бир тўхтамга келган ЕИ аъзолари шу кунларда яна бир муҳим масала борасида бош котиришмоқда. Европа комиссияси (ЕК) иттифоққа янги қўшилган мамлакатларда евроно тезроқ жорий этиш ташаббусини илгари суряпти. ЕКнинг яқинда эълон қилган ҳисоботида евроно синов мударатисиз жорий этиш ва тайёрларлик жараёнини чўмаслик лозимлиги таъкидланади. Унда ёзилишича, бу каби синовлар ўринсиз ва вақтни зое кетказди.

Европа марказий банки вакиллари эса, еврозонага кириш учун мазкур мамлакатлар муайян талабларга жавоб бериши керак, деган фикрда. Хусусан, йиллик инфляция даражаси паст бўлиб, давлат қарзлари белгиланган меъёрдан ошиб кетмаслиги лозим.

Мутахассисларнинг фикрича, ҳозирча фақат Эстония, Латвия, Литва ва Словенияда иқтисодий кўрсаткичлар белгиланган талабларга анча мос келади. Шу боис бу мамлакатларнинг 2007 йилгача еврозонага қўшилиш эҳтимоли йўқ эмас. Лекин Польша, Венгрия, Чехия, Мальта, Кипр ва Словакия 2010 йилдан олдин бу жараёнини амалга ошира олмаслиги мумкин.

ЕИнинг дастлабки аъзолари орасида ҳам еврозонага кирмаганлари бор, албатта. Буюк Британия, Дания ва Швеция ҳали уни жорий этишга шояшмайпти. Бунинг сабабларидан бири, мазкур мамлакатларда шу кунгача муомалада бўлиб келган ва аллақачон миллий рамзлардан бирига айланган миллий валютадан воз кечиш осон бўлмапти. Бу масала юзасидан Швецияда ўтказилган референдум ва Буюк Британия парламентидаги тортишувлар ҳозирча иш бергани йўқ.

Лекин ягона валюта борасида ақсарият мутахассислар бир хил қарашга эга. Уларнинг фикрича, евро минтақа учун гоаят зарур бўлиб, иттифок тараққиётида ва иқтисодий ислохотлар жараёнини жадаллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Фазлиддин АРЗИЕВ,  
УЗА шарҳловчиси

**«050» ХАБАРЛАРИ**

● Собир Раҳимов туманида истикомат қилувчи Зайнураҳон Сайдуллаева кириш эшигининг калитини уй ичкарасида қолдирган ҳолда эшигини ёпиб қўшниси кига чиқади ва бироз ўтгача уйга қайтиб келиб калитини уйда қолдирганини ва ошхонасида газ ёниқ ҳолда қолганини ҳақида Тошкент шаҳар Фавкулдада вазиятлар бошқармаси «050» нозимлик хизматиға ёрдам сўраб мурожаат қилди.

«Кутқарув хизмати» ходимлари дарҳол воқеа содир бўлган жойга етиб боришди ва уй эгасининг розилиги билан бинонинг томонидан арқон ёрдамида дераза орқали кириб, тезлик билан газ ўчирилди, ёпилиб қолган уй эшиги очилди ва хавф бартаранг қилинди.

● Тошкент вилояти Ҳасанбой посёлкасида катта йўл бўйлаб ҳаракатланаётган давлат рақами 11К 24-28 бўлган «Запарожец» машинаси билан давлат рақами 30 172-39 бўлган «ВАЗ—2106» автомашиналари тўқнашгани ҳақида «050» нозимлик хизматиға мурожаат келди.

Воқеа жойига зудлик билан етиб борган «Кутқарув хизмати» ходимлари томонидан вазият ҳар томонлама ўрганилиб, тезкор ёрдам чоралари кўрсатилди. Тез тиббий ёрдам машинаси қақирилди ва жароҳат олган ҳайдовчига тиббий ёрдам кўрсатилиб, ҳаёти сақлаб қолинди.

● Юнусобод тумани, 5-уйда истикомат қилувчи Розагуль Дусьярова Тошкент шаҳар Фавкулдада

вазиятлар бошқармаси «050» нозимлик хизматиға мурожаат қилиб калитини тушириб қўйгани учун уйига киролмаётгани, ичкарида ёш боласи қолиб кетганини айтиб ёрдам сўради.

Вазиятни тўғри тушунган «Кутқарув хизмати» ходимлари воқеа жойига дарҳол етиб бориб, махсус асбоблар ёрдамида ҳеч қанақа зиён етказмасдан уй эшигини очиб, болани соғ-саломат ўз онасига топширдилар.

● Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси 137-уй, 71-хонадонда истикомат қилувчи Феруза Қодирова ёрдам сўраб Тошкент шаҳар Фавкулдада вазиятлар бошқармаси «050» нозимлик хизматиға мурожаат қилди. Айтишича уйда 7 яшар ўғлини қолдириб ўзи бозорга бориб 2 соатлардан сўнг уйига қайтиб келган, лекин ҳар қанча кўнғироқни босмасин, ўғли эшикни очмаётганини ва ундан хавотир олаётганини билдирди.

«Кутқарув хизмати» ходимлари зудлик билан воқеа жойига етиб келишди. Ўз ишини яқин билган Кутқарув гуруҳи махсус асбоблар ёрдамида уй эшигини тезкор равишда очиб, боланинг қаттиқ ухлаб қолгани ва кўнғироқ овозини эшитмаганлигини аниқлаб уйқучи ўғлини ўз ота онасига соғ-саломат топширдилар.

● С.Раҳимов тумани, 11-уй, 72-хонадон эгаси томонидан Тошкент шаҳар Фавкулдада вазиятлар бошқармаси «050» нозимлик хизматиға мурожаат қилиниб кириш эшигининг калитини билма-

ган ҳолда уй ичида қолдирганлиги, ичкарида телевизор, ёниқ қолган газ плитаси устида қозонда овқат ҳам турганлигини айтиб ёрдам сўради.

«Кутқарув хизмати» гуруҳи зудлик билан воқеа содир бўлган жойга етиб келди ва уй эгасининг розилиги билан 9 қаватли бинонинг 6-қавати деразасидан уй ичига киришди. Ўз ишини пухта биладиган «Кутқарув хизмати» ходимлари томонидан дарҳол ёрдам чоралари кўрсатилди ва хонадон эшиги очиб берилди.

● С.Раҳимов тумани, 18-уй, 34-хонадонда истикомат қилувчи Мария Сергеева Тошкент шаҳар Фавкулдада вазиятлар бошқармаси «050» нозимлик хизматиға ёрдам сўраб мурожаат қилди. Маълум бўлишича уйда ухлаб ётган 3 яшар қизини уй ичкарасида қолдириб ўзи қўшниси кига бир зумга чиқиб қайтиб келиб кириш эшигини очмоқчи бўлган. Лекин ўзи билан уй калитини олиб чиқмаганлиги сабабли эшикни очолмаётган экан.

Вазиятдан тўғри хулоса чиқарган «Кутқарув хизмати» ходимлари катта лейтенант С.Қодиров билан ҳодиса жойига етиб келди. Ҳодиса сабаби ўрганиб чиқилгач махсус арқон ва асбоб-ускуналар ёрдамида 8-қаватнинг деразаси орқали уй ичига киришди ва 3 яшар қизча ўз онасига соғ-саломат топширилди.

Қамолддин МУРОДОВ,  
Тошкент шаҳар Фавкулдада вазиятлар бошқармаси Матбуот хизмати етакчи мутахассиси.

**ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОИНАР****ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОИНАР**

*Тошкент шаҳридаги бешта ўрни бўш хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслик лавозимига нотариал фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бўлганлар учун танлов ўтказилади. Унда қатнашишни истаганлар бир ой мударат ичида шаҳар Адлия бошқармасига мурожаат қилишлари лозим.*

**Ҳўжжалик юришувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар диққатига!**

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда.

Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:

133-15-32, 139-05-57, 55-67-42, 55-19-73.

Тошкент шаҳрида жойлашган «Ўзбектўқимаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси (СТИР 200626124) тугатилмапти. Даво ва талаблар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мударат ичида қуйидаги манзилда қабул қилинади.

Тошкент шаҳри, У.Носир кўчаси, 53-«б» уй.  
Тел.: 152-21-42.

«Осиё-Вест» қўшма корхонаси жамоаси жамоа таъсисчиси

Эркин Максудович АҚРАМХОДЖАЕВнинг бевақт вафот этганлиги сабабли марҳумнинг турмуш ўртоғи, фарзандлари ва яқинларига чукур ҳамдардлик билдирди.

**«ТОШКЕНТ  
ОҚШОМИ» ГА**

**Эълонлар шанба ва  
якшанбадан ташқари  
ҳар куни соат 9.00 дан  
17.30 гача  
қабул қилинади.**

**Маълумотлар учун телефон:  
133-28-95.**

**Факс: (3712) 133-29-09.**

**Манзилимиз: Матбуотчилар  
кўчаси, 32-уй,  
2-қават, 204-хона.**

Тошкент Молия Институти бўш (вакант) **«Ўзбекистон тарихи», «Математика», «Чет тиллари»,** Магистратура бўлими **«Бухгалтерия ва аудит», «Ўзбек ва рус тиллари»** кафедралари мудирлиги лавозимига ва қуйидаги **«Ўзбекистон тарихи»** профессор (1), доцент (2) катта ўқитувчи (1); **«Ўзбек ва рус тиллари»** катта ўқитувчи (3); **«Менежмент ва ҳуқуқ»** доцент (2), катта ўқитувчи (1); **«Чет тиллари»** доцент (2), катта ўқитувчи (14), ўқитувчи (11); **«Солиққа тортиш ва сугурта иши»**, доцент (1), катта ўқитувчи (2); **«Макро-микротиқдодиёт»** профессор (2), доцент (5), ассистент (2); **«Иқтисодий ва география ва экология»** доцент (1), катта ўқитувчи (1); **«Иқтисодий информатика»** профессор (3), доцент (10), катта ўқитувчи (12), ассистент (2); **«Математика»** профессор (1), доцент (8), катта ўқитувчи (3); **«Молиявий таҳлил»** доцент (3), катта ўқитувчи (1), ассистент (1); Магистратура бўлими **«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит»** доцент (1); катта ўқитувчи (1) лавозимларига

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Танловда фан номзодлари ва докторлари, профессорлар, доцентлар ва тажрибали ўқитувчилар иштирок этишлари мумкин. Танлов мударати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Маълумот қатнашишни хоҳловчилар Тошкент шаҳри, Х.Абдулов кўчаси, 7-уй Тошкент Молия институти ходимлар бўлимини мурожаат қилишлари мумкин.

Тел. 134-66-58.

Решоқат

**Спорт**

**ПОЙТАХТЛИКЛАР — БИРИНЧИ**

Самарканд шаҳрида 1988-1989 йилларда туғилган қизлар ўртасида қўл тўпи бўйича мамлакат биринчилиги баҳслари бўлиб ўтди.

Мусобақа Низомига кўра биринчи босқичда 12 жамоа икки гуруҳга бўлинган ҳолда ўзаро кураш олиб борди. Сўнг жамоалар эгаллаган ўринларига қараб ғолибни аниқлаш йўлида учрашувлар ўтказди.

Ҳал қилувчи охириги беллашувда Тошкент шаҳри ва пойтахт вилояти гандболчилари ўзаро рўбарў келишди. Кескин, муросасиз баҳс пойтахт вакилларининг 31:28 ҳисобидаги чиройли ғалабаси билан яқунланди ва шаҳримиз қизлари мамлакат биринчилигининг ғолиби бўлишди.

Учинчи ўринни андижонлик гандболчи қизлар устидан 24:18 ҳисобида ғалаба қозонган самарқандлик қўл тўпининг ёш усталари эгаллашди.

**МОТОКРОССЧИЛАР БЕЛЛАШДИ**

Жиззах шаҳрида мотокросс бўйича Ўзбекистон Кубоги ва мамлакат чемпионатининг финал баҳслари ўтказилди.

Республика Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти томонидан ташкил этилган мусобақаларда Тошкент шаҳри, пойтахт вилояти, Навоий, Сурхондарё, Фарғона, Жиззах, Бухоро, Андижон, Қашқадарё ва Наманган вилоятидан келган 92 нафар спортчи ғалаба учун кураш олиб борди.

Иштирокчилар 6 хил сифимдаги автоуловларда ўзаро баҳс юритдилар.

Барча баллар сарҳисоб қилинганидан сўнг ғолиб клублар ҳамда энг яхши натижаларга эришган вилоятлар аниқланди. Жумладан, 3340 балл тўплаган Навоий вилояти мотокроссчилари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди. 2114 баллга эга Тошкент шаҳри жамоасига эса иккинчи ўрин насиб этди. 1305 балл жамғарган Тошкент вилояти спортчилари учинчи ўрин билан тақдирланишди. Ғолиб ва совриндорларга қимматбаҳо совғалар ва дипломлар топширилди.

(Ўз мухбиримиз)

**Ғолиб**

**БИРИНЧИ ЛИГА МУСОБАҚАЛАРИ ЯҚУНЛАНДИ**

Футбол бўйича биринчи лигада шарқий ва ғарбий минтақа бўлинган ҳолда мамлакат XIII миллий чемпионатида беллашган жамоалар сўнгги тур учрашувларини ўтказдилар. Шарқий минтақада Тошкентнинг «НБУ — Осиё», «Шайхонтоҳур», «Локомотив-2», «Пахтакор-2» жамоалари баҳс юритдилар. Гуруҳдаги 11 жамоа ўртасида пойтахтнинг «НБУ—Осиё» жамоаси 82 очко тўплаб, 2-ўринни банд этди. 1-ўринни эса Кувасойнинг «Цементчи» жамоаси кўлга киритди. Улар ҳисобида 85 очко бор.

Пойтахтнинг «Шайхонтоҳур» жамоаси 64 очко тўплаб, жадвалда 5-ўринни эгаллади. «Локомотив-2» жамоаси эса мавсумни 42 очко билан 8-ўринда яқунлади. «Пахтакор-2» жамоаси 6 ғалаба ва 5 дурангга эришиб, 29 учрашувда майдондан бош эгиб чиқиб кетди. Улар рақиблар дарвозасига 43 тўп киритган ҳолда ўз дарвозаларидан 101 та тўп ўтказиб юбордилар ва 23 очко билан жадвалнинг сўнгги 11-поғонасини банд этдилар. Сўнгги тур учрашувда «НБУ — Осиё» жамоаси Гулистонда майдон эгаларига қарши тўп суриб, 1:0 ҳисобида зафар кучди. «Шайхонтоҳур» эса гуруҳ пеш-

адами «Цементчи»ни қабул қилиб, 0:3 ҳисобида ўинини бой бериб қўйди.

«Пахтакор-2» ўз майдонида «Поп-Фен» жамоасини қабул қилиб, 1:2 ҳисобида мағлубиятга учради. Биринчи лига мусобақалари ниҳоясига етди. Ғолиблар ва аутсайдерлар маълум бўлди. «Цементчи», «НБУ — Осиё», «Тупаланг» ва «Шуртан» пешқадамлар сафидан жой олган бўлса, «Косонсой», «Пахтакор-2», «Чағониён», «Хисор» жамоалари биринчи лигани тарк этдилар. Уларнинг ўрнига янги жамоалар биринчи лигада иштирок этиш учун кураш олиб бормоқдалар.

Шарқий минтақада жамоалар жадвалдан қуйидагича жой олдилар.

**ЯКУНИЙ ЖАДВАЛ**

Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
«Цементчи»	40	27	4	9	98-57	85
«НБУ—Осиё»	40	25	7	8	102-38	82
«Кимёгар»	40	23	7	10	91-42	76
«Гулистон»	40	22	9	9	82-46	75
«Шайхонтоҳур»	40	19	7	14	83-91	64
«ОТМК»	40	18	5	17	73-75	59
«Шахрихон»	40	16	5	19	58-75	53
«Локомотив-2»	40	10	12	18	65-75	42
«Поп-Фен»	40	10	7	23	64-94	37
«Косонсой»	40	6	8	26	51-116	26
«Пахтакор-2»	40	6	5	29	43-101	23

Талъат ЮСУПОВ



Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда 1999 йилдан буён аънанавий тарзда ўтказилаётган синхрон сузиш бўйича «Сув париси» халқаро турнири мазкур спорт турининг ўзбекистонлик қизлар орасида анча оммалашувига туртки бўлди. Синхрон сузиш усталарини бежиз «сув пари»лари деб атамайдилар. Зеро, ушбу спорт тури гўзаллик, нафосат, бадийлик ва жисмоний баркамолликка йўриқчиллиги билан алоҳида ажрალი туради.

Шаҳримиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуи сув спорти саройида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим ва Мудофаа вазирликлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Қасаба уюшмалари федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон тадбиркорлари халқаро ташкилоти, «Соғлом авлод учун» халқаро ноҳукумат хайрия жамғармаси, Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Болалар спортини ривожлантириш ва Республика «Маҳалла» жамғармалари ҳамда Ўзбекистон синхрон: сузиш

**Синхрон сузиш**

**МАМЛАКАТИМИЗ «СУВ ПАРИ»ЛАРИ ОЛДИНДА**

Ўзбекистонда ёш авлодни жисмоний тарбия ва спортга, соғлом турмуш тарзига жалб қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Айниқса, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказишда хотин-қизларни ҳам жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам юртимизда қизлар ўртасида энгил атлетика, теннис, бадий гимнастика ва сув спорти турларини оммавийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунга мамлакатимизда қатор спорт турлари бўйича қизлар ўртасида ҳар хил мусобақалар, халқаро турнирлар ўтказилаётгани яққол далил бўлади.

Федерацияси ташаббуси билан уч кун давомида ишқибоз ва муҳлис-ларга олам-олам завқ бахш этган «Сув париси» V халқаро турнири ниҳоясига етди. Мусобақада ҳамюртларимиз билан бирга Россия, Хитой, Қозғоистон, Ҳиндистон ва Белоруссиядан келган 50 нафардан зиёд спортчи ўз куч-маҳо-

ратини намойиш этиб, ғалаба учун кураш олиб борди.

Мусобақанинг биринчи кунда ихтиёрий дастур, иккинчи кунда эса спортчилар мажбурий дастурни ҳакамлар ихтиёрига ҳавола этишди. Бунда хитойлик спортчиларнинг қўллари банд келди. Халқаро турнирнинг учинчи кун-

да энг қизиқарли баҳслар-соло ҳамда жамоавий ва жұфтлик чиқишлари бўлиб ўтди. Шуни қувонч билан таъкидлаш мумкин, шу кунги ўзбекистонлик «сув пари»ларига тенг келадиганлар топилмади. Жумладан, соло мусобақаларида энг тажрибали спортчимиз Дарья Можаяева хурмат шохсупасининг энг юқори поғонасидан жой олган бўлса, россиялик Анна Ходжикина иккинчи, Белоруссия вакили Ольга Ушакова эса учинчи ўринни эгаллади. Жамоавий ва жұфтлик баҳсларида Ўзбекистон — 1 жамоаси ғолиб чиққан бўлса, Қозғоистон синхрон сузувчилари иккинчи, Ўзбекистон — 2 жамоаси эса учинчи бўлди.

Ғолибларга дипломлар ва қимматбаҳо совғаларини Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси президенти Рустам Курбанов, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги бошқармаси бошлиғи Рашид Маткаримовлар топширишди.

(Ўз мухбиримиз) **СУРАТЛАРДА: синхрон сузиш бўйича «Сув париси» V халқаро турниридан лавҳалар.**

**Наталья Сёменова олган сураатлар.**

**Ёшнинг хавфсизлиги ойлиги**

**«ТИЛСИЗ ЁВ»ГА БЕПАРВО БЎЛМАЙЛИК**

Ота-болаларимиздан мерос қолган моддий ва маънавий бойликларни, ҳалол ва сермашаққат меҳнатимиз эвазига орттирилган ютуқларимиз меваларини асраб, уларни янада кўпайтиришга ҳисса қўшиш шу юртда яшаб турган барча фуқароларимизнинг муқаддас бурчи бўлиши лозим.

Республикамизда ҳар йили Ёнги хавфсизлиги ойлигини кенг миқёсда ўтказиш аънанга айланган. Бу йил ҳам Вазирилар Маҳкамасининг 2004 йил 27 октябрдаги фармойиши ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига асосан 10 ноябрдан 10 декабрга қадар Ёнги хавфсизлиги ойлиги ўтказилмоқда.

Айнан ҳар йили бу тадбир куз фаслининг охири, қиш фаслининг бошларида ўтказилиши бежиз эмас. Чунки бу даврга келиб об-ҳаво кескин совиб, қировли кунларнинг бошланиши кузатилади. Ёнгилар бу фаслда асосан газ, иситиш

ускуналари ва турли хил қўлбола электр жиҳозларидан нотўғри фойдаланиш оқибатида содир бўлмоқда.

Ёнги хавфсизлиги ойлигини ўтказишдан асосий мақсад шунки, аввало содир бўлиши мумкин бўлган ёнгиларнинг олдини олиш, аҳоли ўртасида кенг қамровли тағрибот ва ташвиқот, тушунтириш ишларини кучайтиришдан иборат. Ёнгилар келиб чиқишининг олдини олиш орқали кишиларнинг пешона тери эвазига йиққан моддий бойликларини «тилсиз ёв»дан сақлаб қолиш мумкин. Энг муҳими, ёнгилар оқибатида

инсонларнинг бевақт ҳаётдан қўз қимшиғини, турли тан жароҳати олиш, бир умрга ногиронлик азобини тортишдан қўтариб қолишга эришишдир. Шу йилнинг ўтган даврида пойтахтда содир бўлган ёнгилар натижасида мамлакатимизда иқтисодий ва фуқароларимизга 10 миллион сўм миқдорда моддий зарар етказилиб, 19 нафар инсон ҳаётдан бевақт қўз юмган бўлса, 33 нафар фуқаро турли даражада тан жароҳати олган. Шундан келиб чиққан ҳолда яна бир бор эслатами. Нафқат Ёнги хавфсизлиги ойлигида, балки умримиз давомида огоҳ бўлиб, бепарволикка йўл қўймайлик. «Сўнги пушаймон — ўзингга душман», деб афсус чекмайлик.

Газ ва оловдан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш, фарзандларимизга эътиборли бўлишни ва мунтазам равишда хавфсизлиги чоралари қўришни унутманг.

Шунда шахримиз ҳуснига доғ тушмайди, соғлиғимизга зарар етмайди ва ёнги хавфи камаяди.

**Абдурахмон АБДУХОЛИКОВ, Тошкент шаҳар Ёнги хавфсизлиги бошқармаси кичик инспектори.**



**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажин — 2 босма табоқ офсет ускуна билан. 2812 нусxada босилди. Қўзғо бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер маркасида тартибдан ва сақланган. «Шарқ» нашриёт-матбуот акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-ўй.